

## Жума кунининг фазилати



07:16 / 23.02.2024 2179

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қайси бир мўмин жума куни ёки жума кечасида ўлса, Аллоҳ уни қабр фитнасидан сақлайди»**, - дедилар».

*Имом Термизий ривояти.*

Ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ: “Жума куни ва кечасида вафот қилиш ҳусни хотима (мўмин кишининг ҳаётини гўзал якуни) аломатидандир”, деди. Шунингдек у зот: **“Жума кунида садақа беришнинг ҳафтанинг бошқа кунларига нисбатан фазли, Рамазон ойида садақа бериш бошқа ойларда садақа беришга нисбатан фазли кабир”**, деди.